



ТЕМИРҲО‘ЛЧНИ

Temir yo'llar mamlakatimiz iqtisodiyotining qon tomiridir.

Gazeta 1933-yildan chiqa boshlagan



О‘ЗБЕКИСТОН ТЕМИРҲО‘ЛЧИЛАРИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2026-yil • 9-iyul • payshanba • № 26 (6606)

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХА

Ўзбекистон Грузияда Анаклия денгиз портини куриш лойиҳасида иштирок этиш имкониятларини ўрганмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ГРУЗИЯ ПОРТЛАРИ ОРҚАЛИ ЮК ТАШИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШНИ РЕЖАЛАШТИРМОҚДА

Бу ҳақда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги хабар берди.

Хабарда қайд этилишича, шу йилнинг 3-4 июль кунлари инвестициялар, саноат ва савдо вазири Лазиз Қудратов Грузияга амалга оширилган ташрифи доирасида мамлакатнинг асосий транспорт инфратузилмаси объектлари – Анаклия, Поти ва Батуми портлари ҳамда Поти эркин саноат зонаси фаолияти билан танишди.

Ташрифнинг асосий мақсади Ўзбекистоннинг экспорт-импорт юкларини Грузия орқали ташиш имкониятларини кенгайтириш, логистика занжирларини диверсификация қилиш ва халқаро транспорт йўлақларида мамлакат иштирокини кучайтиришдан иборат бўлди.

Анаклия портида Ўзбекистон томонининг Грузияда қурилаётган чуқур сув порти лойиҳасида иштирок этиш имкониятлари муҳокама қилинди. Қурилиш якунлангач, мазкур порт барча турдаги йирик кемаларни қабул қилиш имкониятига эга бўлади. Бу эса уни Қора денгиз орқали Европа ва бошқа бозорларга чиқишни таъминлайдиган муҳим транспорт тугунига айлантириши кутилмоқда.

Шу билан бирга, порт «Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон» темир йўли лойиҳаси билан уйғунлашганда Марказий Осиёдан Қора денгизга чиқувчи янги мультимодал транспорт йўлагининг муҳим бўлишига айланиши мумкин.

Поти портида Ўзбекистон экспорт-импорт юклари учун омбор ва терминал инфратузилмасини ташкил этиш истиқболлари кўриб чиқилди. Бу эса юкларни сақлаш, қайта ишлаш ва тезкор етказиб бериш имкониятларини кенгайтириши билан аҳамиятлидир. Шунингдек, Батуми портида Қора денгиз орқали юк ташиш хажмини ошириш ва транспорт ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ташриф якунида Ўзбекистон компаниялари иштирокида консорциум тузиш ҳамда қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган ҳамкорлик битимларини ишлаб чиқиш бўйича келишувларга эришилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ташқи савдо географиясини кенгайтириш ва экспорт маҳсулотларини жаҳон бозорларига етказишда муқобил транспорт йўлақларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу жараёнда Кавказ орқали Қора денгиз портларига чиқиш имкониятлари стратегик аҳамият касб этмоқда.

Грузия портлари билан ҳамкорликнинг кенгайтириш мақсадида экспортчилари учун логистика харажатларини оптимallasштириш, юкларни етказиб бериш муддатини қисқартириш ва ташқи бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилиши мумкин.

БАЙРАМ ОЛДИ ТАЙЁРГАРЛИК

“БУХОРО МИНТАҚАВИЙ ТЕМИР ЙЎЛ УЗЕЛИ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ КАСБ БАЙРАМИНИ КАТТА ЮТУҚЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛМОҚДА



“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ БОШҚАРУВИ РАИСИ З.НАРЗУЛЛАЕВНИНГ 2026 ЙИЛ 2 ИЮЛДАГИ “ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ХОДИМЛАРИ КУНИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ 344-Н-СОНЛИ БУЙРУҒИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА “БУХОРО МИНТАҚАВИЙ ТЕМИР ЙЎЛ УЗЕЛИ” ФИЛИАЛИ РАЎБАРИАТИ ТОМОНИДАН УЗЕЛ ВА ХУДУДЛАРДАГИ КОРХОНАЛАРДА ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР КАСБ БАЙРАМИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШГА ТАРАДДУД КЎРИЛМОҚДА.



Узелда касб байрамини кўтаринки руҳда ўтказиш мақсадида концерт дастури ташкил қилиниши баробарида тадбирда меҳнат фахрийлари ва илғор ишчи-ходимлар тақдир қилиниб, соҳадаги самарали меҳнати, намунали хизмати билан барчага ўрнак бўлиб келатган темирйўлчиларга муқофотлар топширилиши ҳам кун тартибидан жой олган.

Дарҳақиқат, “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали жамоасининг касб байрамини кўтаринки кайфиятда кутиб олишга сабаб бўладиган ютуқлари талайгина. Узел ва унга қарашли корхона, ташкилот ҳамда станцияларда амалга оширилган кўзга кўринарли ишлар ва у ерда



яратилган қулайликларни эса санаб адоғига етолмайсан киши.

Замон билан ҳамнафас тарзда узелнинг Рақамлаштириш ва ахборот хавфсизлиги бўлими томонидан жорий йилда рақамлаштириш жараёнини жадаллаштириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

асосида доимий мониторинг ишлари олиб борилляпти.

Самарқанд алоқа ва ишорат масофаси корхонаси билан ҳамкорликда бир қатор станцияларда бир замонавий локал ва корпоратив тармоқ инфратузилмаси яратилди. “MicroTik” гигабит тармоқ экранлари ўрнатилиб, ахборот хавфсизлигини

таъминлаш мақсадида “Firewall” функциялари фаоллаштирилди, “VLAN” технологияси асосида тармоқлар сегментларига ажратилди, интернет трафиғини бошқариш ва назорат қилиш механизмлари жорий қилинди.

Шу жумладан, жорий йилда инновацион лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш бўйича ҳам муҳим

натижаларга эришилди. Яъни, “Face ID” технологияси асосидаги замонавий шахсни аниқлаш тизимлари ишга туширилди. “Тинчлик” ва “Бухоро-1” станцияларида “Tagozi AI” тизими учун зарур инфратузилма яратилиб, видеокўзатув камералари ва махсус компьютерлар ўрнатиildi.

Давоми 2-бетда

ИЖТИМОЙ СОҲА

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 5 ИЮЛЬ КУНИ «ТОШКЕНТ-ЖАНУБИЙ» ТЕМИР ЙЎЛ ВОКЗАЛИДАН «ҚАРШИ», «БУХОРО» ҲАМДА «ҚЎНҒИРОТ МИНТАҚАВИЙ ТЕМИР ЙЎЛ УЗЕЛИ» ФИЛИАЛЛАРИ ТАСАРРУФИДАГИ КОРХОНАЛАРДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРНИНГ ИШЛОВЧИ АЪЗОЛАРИ, ШУНИНГДЕК, СМЕНА АСОСИДА ОҒИР МЕҲНАТ ШАРОИТИДА МУНТАЗАМ МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН 150 НАФАР СОҲА ХОДИМИ ДАМ ОЛИШ ВА СОҒЛОМЛАШТИРИШ ДАСТУРИНИНГ 2-МАВСУМИ ДОИРАСИДА ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИССИҚКЎЛ ВИЛОЯТИДА ЖОЙЛАШГАН «МАРКАЗИЙ ОСИЁ ОЛТИН ҚУМЛАРИ» ПАНСИОНАТИГА ТАНТАНАЛИ РАВИШДА КУЗАТИЛДИ.

150 НАФАР ТЕМИРЙЎЛЧИ ИССИҚКЎЛГА ДАМ ОЛИШГА ЮБОРИЛДИ



“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раҳбарияти ҳамда Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт курувчилари касба уюшмаси Республикаси Кенгаши ижроия қўмитасининг 2026 йил 20 майдаги “Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини Иссиқкўл вилоятида жойлашган “Марказий Осиё олтин қумлари” пансионатига саёхатларни ташкил этиш тўғрисида”ги 2-82 “с”-сонли қўшма қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган мазкур дам олиш саёхати ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш ва мазмунли хордиқ чиқаришлари учун қулай шароит яратиш мақсадида амалга оширилмоқда.

Темирйўлчиларни вокзалдан кузатиш маросими “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти мутахассислари, Республика Кенгаши вакиллари назорати остида ўтказилди. Соҳа ходимлари

замонавий ва барча қулайликларга эга махсус автобусларда белгиланган манзил сари йўлга чиқишди.

Таъкидлаш лозимки, бу йилги ёз мавсумида республикамизнинг турли ҳудудларидаги темир йўл корхоналарида фаолият юритаётган 500 нафар ишчи-ходимнинг 4 та мавсум давомида 7 кунлик дам олиш ва соғломлаштириш дастурида иштирок этиш режалаштирилган. Дастлабки 1-мавсумда “Тошкент” ҳамда “Қўқон минтақавий темир йўл узели” филиалларидан 100 нафар ходим юборилган эди. Жорий 2-мавсумда ҳам ҳар бир узелдан 50 нафаргача ишчи-ходимнинг мароқли дам олиши кўзда тутилган.

Ушбу хайрли ташаббус темирйўлчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга хизмат қилмоқда.

“БУХОРО МИНТАҚАВИЙ ТЕМИР ЙЎЛ УЗЕЛИ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ КАСБ БАЙРАМИНИ КАТТА ЮТУҚЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛМОҚДА

Давоми. Бошланғичи 1-бетда

“Фаровон” станциясида “Ақлли пиёдалар дарвозаси” тизими ишга туширилиб, пиёдалар ҳаракатини автоматлаштирган тарзда назорат қилиш имконияти яратилди.

Бундан ташқари, филиалга қарашли станцияларда янги компьютер техникалари ўрнатилиб, “Самарқанд” депосида оптик толали алоқа линияси асосида тармоқ инфратузилмаси модернизация қилинди.

Амалга оширилган ушбу ишлар натижасида “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиалида ахборот хавфсизлиги даражаси мустаҳкамланди, рақамлаштириш жараёнлари жадаллашди ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш учун зарур шароитлар етарлича яратиб берилди.

Қолаверса, Бухоро сигналлаштириш ва алоқа масофаси ходимлари бир тану бир жон бўлиб, “Навоий – Бухоро” 2-йўл қурилиши юзасидан “Маликобод”, “Азизобод” ва “Бухоро-1” станцияларида, 3927-километр, 3935-километр, 3955-километр ва 3963-километрлардаги қўриқланувчи темир йўл кесимларида кенг қўламдаги лойиҳалаш ва қу-

рилиш ишларининг амалга оширилишида фаол иштирок этишди.

Темир йўл тизимида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва назоратини амалга ошириб бориш юзасидан кенг миқёсда видеокузатув тизимини жорий этиш ишлари олиб борилди. Жумладан, 12 та қўриқланмайдиган темир йўл кесимаси, 27 та темир йўл станция навбатчиси хоналари, “Навоий – Бухоро” оралғида 121 та видеокузатув қурилмалар ўрнатилиб, ишга тушириб берилди.

“Бухоро – Мискин” участкасини юқори тезликдаги поездлар ҳаракатига мослаштириш учун 14 та темир йўл кесимларида темир йўл кесиммасини тўсиш қурилмаси (УЗП) ўрнатилиб, монтаж ишлари тўлиқ бажариб бўлинди.

Шунингдек, Бухоро сигналлаштириш ва алоқа масофаси филиали томонидан “Бухоро – Қарши” ҳамда “Бухоро – Хўжадавлат” участкасида замонавий оптик толали алоқа кабеллари ётқизилди ҳамда қурилмалар билан таъминлаш ишлари амалга оширилди.

“Бухоро – Турон” участкасида Қозғистон Республикасининг “BT Signal” масъулияти чекланган ше-



“БУХОРО – МИСКИН” УЧАСТКАСINI ЮҚОРИ ТЕЗЛИКДАГИ ПОЕЗДЛАР ҲАРАКАТИГА МОСЛАШТИРИШ УЧУН 14 ТА ТЕМИР ЙЎЛ КЕСИШМАЛАРИДА ТЕМИР ЙЎЛ КЕСИШМАСINI ТЎСИШ ҚУРИЛМАСИ (УЗП) ЎРНАТИЛИБ, МОНТАЖ ИШЛАРИ ТЎЛИҚ БАЖАРИБ БЎЛИНДИ.

риклиги компанияси билан ҳамкорликда станциялар ва кесимларни замонавий микропроцессор тизимлари билан жиҳозлаш бўйича йирик ишлар амалга оширилмоқда.

“Блок пост 3710-километр, “Жартепа” ва “Ургут” станциялари электр марказлаштириш тизимига уланди ҳамда ушбу участкадаги 14 дона темир йўл кесиммаси фойдаланишга топширилди.

Жорий 2026 йилда темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш ва йўловчиларга етарлича қўлайликлар яратиб бериш мақсадида

узелга қарашли ҳудудларда темир йўл қурилиши ва электрлаштириш ишлари бажарилди. Бунга яққол мисол, “Навоий – Бухоро” 2-темир йўл изларининг қурилишидир. Айни дамда мазкур ҳудуддан ўтувчи “Жалалидин Мангуберди” йўловчи поезда қатновининг йўлга қўйилгани вилоят аҳолиси узоғини яқин қилмоқда. Илгарилари Тошкентдан Хивагача бўлган 1 минг 22 километрлик масофа 14 соатда босиб ўтилган бўлса, ҳозирда йўловчилар 7 ярим соатда ўз манзилларига етиб бормоқда.

Таъкидлаш лозимки,

ушбу поездларни йўлга қўйилиши учун ўзбекистонлик темирйўлчилар 450 километрлик “Бухоро – Урганч – Хива” участкасини юқори тезликда ҳаракатланадиган поездлар учун туну кун меҳнат қилиб, тўлиқ электрлаштириб беришди.

Мазкур ҳудудда поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва темир йўлдан кесиб ўтишни қўлайлаштириш мақсадида “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали ҳудудидаги темир йўл изларини кесиб ўтиш жойлари ва темир йўл кесимларини ўрнида жами 11 дона туннель ҳам қуриб, фойдаланишга топширилди.

Мухтасар қилиб айтганда, “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали миқёсида амалга оширилган ютуқлар сони талайгина. Бу борада эришилаётган муваффақиятлар ҳам шунга яраша. Ютуқлари бардавом узел жамоасига касб байрамингиз муборак бўлсин, деб қоламиз!

Феруза ХУДОЙҚУЛОВА

ОГОҲЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

Бугунги кунда темир йўл транспорти мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, йўловчи ва юк ташиш тизимининг узлуксиз ишлашини таъминлашда алоҳида ўрин тутаяди.

ТЕМИР ЙЎЛДА ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК!

Мазкур соҳада ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, темир йўл инфратузилмасини асраб-авайлаш ҳамда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Шу боис Ўзбекистон Республикасида темир йўл транспорти фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари такомиллаштирилиб, транспорт хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Президентимиз томонидан илгари сурилган “Инсон қадрини унган” тамойили асосида барча соҳаларда, жумладан, транспорт тизимида ҳам хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, қонун устуворлигини қарор топштириш энг долзарб вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Темир йўл хавфи ҳудудлардан ҳисобланади. Поездларнинг юқори тезликда ҳаракатланиши, уларнинг қисқа масофада тўхтаб олмаслиги сабабли темир йўли белгиланмаган жойларидан кесиб ўтиш қўплаб оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Афсуски, айрим фуқаролар вақтни тежаш мақсадида хавфсизлик қоидаларини менсимасдан, темир йўл изларини белгиланмаган жойлардан кесиб ўтишга уринаяпти. Бундай бепарволик инсон ҳаётига жиддий хавф туғдириши табиий.



Бу вазиятда фуқаролар темир йўлни фақат махсус пиёдалар ўтиш жойлари, кўприклар, ерости йўлакларини ёки белгиланган кесимлардан кесиб ўтишлари лозим. Ҳаракатланаётган поезд олдиндан югуриб ёки қўлоқчин тақиб, телефондан фойдаланиб рельсларни кесиб ўтиш, ёпиқ шлагбаумларни четлаб юриш каби ҳолатлар бахтсиз ҳодисаларнинг асосий сабабчиларидан бири бўлмоқда. Бундан ташқари, темир йўл инфратузилмасига қасддан зарар етказиш, светофорлар, сигналзация воситалари, алоқа тармоқлари, рельслар, электр таъминоти усқуналари ёки бошқа техник воситаларни ишдан чиқариш нафақат транспорт ҳаракатига жиддий хавф туғдиради, балки оғир ҳуқуқий жавобгарликка ҳам сабаб бўлади. Бундай ҳаракатлар натижасида поездлар ҳаракати издан чиқиши, катта моддий зарар етиши, инсон ҳаёти ҳам таҳдид остига қолиши каби оқибатлар юзага келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги қонунида темир йўл транспортидан хавфсиз фойдаланиш, инфратузилмасини муҳофаза қилиш ҳамда барча иштирокчиларнинг мажбуриятлари белгилаб берилган. Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Жиноят кодексига темир йўл транспорти хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар учун тегишли жавобгарлик чоралари назарда тутилган.

Транспорт соҳасида қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда фуқаролар ўртасида ҳуқуқий тарғиботни кучайтириш борасида транспорт прокуратураси органлари, ички ишлар органлари, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан тизимли профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, таълим муассасалари, маҳаллалар ва темир йўл ҳудудларига яқин жойда яшовчи аҳоли, ёшлар ҳамда вояга етмаганлар ўртасида тушунтириш ишлари мунтазам олиб борилмоқда.

Ҳар бир фуқаронинг огоҳлиги, ҳушёрлиги ва қонунга итоаткорлиги эса темир йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омили саналади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, темир йўлларда хавфсизликни таъминлаш фақат масъул идораларнинг иши эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Қонун талабларига риоя қилиш, темир йўл объектларини асраш ва хавфсизлик қоидаларига амал қилиш орқали инсон ҳаётини сақлаб қолиш, транспорт тизимининг барқарор фаолиятига оз бўлсада муносиб ҳисса қўшиш демакдир.

З.ТУРСУНОВ,

Термиз транспорт прокурори



ҲАМКОРЛИК ДАСТУРИ

ХОДИМЛАР АМАЛИЙ ТАЖРИБА АЛМАШДИЛАР

“ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ САНОАТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ БОШҚАРМАСИ – ТАШИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХИЗМАТИНИНГ 17 НАФАР ХОДИМИ “ТОШКЕНТ МИНТАҚАВИЙ ТЕМИР ЙЎЛ УЗЕЛИ” ФИЛИАЛИГА ҚАРАШЛИ “ҲАМЗА” ВА “ЧУҚУРСОЙ” СТАНЦИЯЛАРИГА АМАЛИЙ ТАЖРИБА АЛМАШИШ МАҚСАДИДА ТАШРИФ БУЮРДИ.

Уларга станция мутахассислари ҳамроҳлик қилиб, аввал станция ва иш жараёнлари ҳақида батафсил маълумот беришди. Шундан сўнг илгор технологиялар ва самарали иш услублари билан ўртоқлашди.

– “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятида

янги қурилаётган мегалойиҳалар ишлаб чиқаришдаги меҳнат самарадорлигини оширишни, қолаверса, поездлар ҳаракати хизматида янгича фикрлайдиган билимли, салоҳиятли ҳамда креатив ғояларга эга малакали кадрлар захирасини етиштириб чиқариш заруриятини келтириб чиқармоқда, –

дейди жамиятнинг Саноат темир йўл транспорти бошқармаси 2-сон темир йўл цехининг ҳаракат бўйича бошлиқ ўринбосари А.Туропов. – Шу муносабат билан икки томонлама ўзаро тажриба алмашиш, замонавий темир йўл транспорти технологиялари, поездлар ҳаракатини бошқариш, логисти-



ка, рақамлаштириш тизимлари ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича билим ва кўникмаларни ошириш мақсадида амалий семинар-тренинглр, учрашувлар ҳамда ишлаб чиқариш жараёнлари билан яқиндан танишиш тадбирларини ташкил этиш тақлифи илгари сурилди.

Мутахассислар ташриф давомида замонавий микропроцессорли тизим (МПС), ўқ санашнинг электрон тизими (ЭССО) ва магистрал тизими (МСО)дан самарали фойдаланиш бўйича тажриба алмашишди.

Иштирокчилар амалий тажрибаларни ўрганиш, ёш мутахассисларнинг касбий билимларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришда илгор инновацион ёндашувларни жорий этиш ҳамда малакали кадрлар захирасини шакллантириш каби муҳим йўналишларда малака оширишди.

Бу каби ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ҳамда темир йўл транспорти соҳасида ўзаро манфаатли тажриба алмашиш ишларини тизимли равишда йўлга қўйиш келгусида ҳам ҳар икки ташкилот фаолиятида самарадорликни оширишга хизмат қилади.

Н.НУРМАТОВА



■ КРЕАТИВ МУТАХАССИС МЕХНАТИ

“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИГА РАҚАМЛАШТИРИШ ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ СОҲАНИ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚМОҚДА. БУ ЎЗГАРИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ФИКРЛАЙДИГАН, ТИЗИМГА КРЕАТИВ ЁНДАШАДИГАН, ТАШАББУСКОР ВА ТАЖРИБАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИНГ ЎРНИ КАТТАДИР.

БОБУР БЕГАЛИЕВНИНГ РАҚАМЛИ ФАОЛИЯТИ

Ана шундай мутахассислардан бири “Темирйўли-инфраузилма” акциядорлик жамияти “DAS-UTY” масъулияти чекланган жамияти бош директори Бобур Бегалиевдир. Унинг ва у раҳбарлик қилаётган жамоанинг соҳа ривожига қўшаётган хиссаси катта.

Темир йўл инфратузилмасини рақамлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари йўналишида етти йилдан ортиқ фаолият юритиб келаётган Б.Бегалиев электромонтёрликдан бош директорлик лавозимигача бўлган йўлни соҳага оид билим ва тажриба тўплаб, машаққат билан босиб ўтган. Айни пайтда у “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тизимида йигирмадан ортиқ йирик рақамли платформаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бўйича кенг қўламли ишларни амалга оширмоқда.

ТЕМИР ЙЎЛДАН – РАҚАМЛАР ОЛАМИ САРИ

Бобурнинг рақамлаштириш соҳасига қариб келиши 2018 йилга тўғри келади. У ҳозирги Тошкент давлат транспорт университети-

нинг электр таъминоти (энергетика) йўналишини тамомлаб, 2018-2019 йилларда Қарши электр таъминоти корхонасида электромонтёр сифатида меҳнат фаолиятини бошлайди.

– Иш жараёнида электр контактларини автоматлаштириш ва рақамлаштириш орқали меҳнатни осонлаштириш каби ғоялар ҳаёлимдан кетмасди, – дейди Бобур Бегалиев.

Айнан мана шу ғоялар билан у “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали раҳбариятига мурожаат қилади. Унинг тақлифлари қўлаб-қувватланади. Ўша пайтда янги ташкил этилган Рақамлаштириш (Ахборот-коммуникация технологиялари) бўлимида тўрт ойлик амалиётдан сўнг, ушбу бўлимга ишга қабул қилинади. Шу тариқа, 2019 йилдан бошлаб унинг темир йўл тизимидаги рақамли фаолияти расман бошланади. Бу йўлдаги дастлабки ва айни пайтда энг рамзий ишлардан бири “Railwaysmartbook” лойиҳаси бўлди. У ушбу лойиҳа билан “Инновацион ғоялар” танловида биринчи ўринни қўлга киритди. Лойиҳада соҳага доир адабиётлар ягона тизимга жамланган бўлиб, бу иш жараёнида



тезкор маълумотга эҳтиёж сезади-ган темирйўлчилар учун айна муддао бўлди.

ЭЪТИРОФ ВА ИШОНЧ

Бобур Бегалиев “Инновацион ғоялар” танловининг доимий ғолибига айланган, десак муболага бўлмайди. Чунки у “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тизимида 2020 йилда “Railwaysmartbook”, 2021 йилда “Railway Observer” ва 2022 йилда “Рақамли метрология” лойиҳалари билан мазкур танловда “Энг яхши лойиҳа муаллифи” сифатида ғолибликни қўлга киритган.

Унинг изланишлари халқаро миқёсдаги эътирофлардан ҳам четда қолмади. Хусусан, “Scientific Academy” томонидан 2024 йил 25 апрелда Мустақил Давлатлар Хамдўстлиги (МДХ) миқёсида “Ёш издош” номинацияси бўйича эсдалик кўкрак

нишони билан тақдирланган Б.Бегалиев 2025 йилда яна бир бор ушбу ташкилот томонидан “Миллий ифтихор” халқаро эсдалик кўкрак нишонига сазовор бўлди.

РАҚАМЛАР ТИЛИДА “ГАПИРАДИГАН” НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 329-сонли қарори Бобур ва унинг жамоаси учун катта ишонч ҳамда юксак масъулият намунаси бўлди. Мазкур қарор доирасида 2023-2025 йилларда бешта асосий ва битта қўшимча рақамли лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиб, соҳада сезиларли иқтисодий самарадорликка эришилди. Ушбу инновацион ечимлар сирасига тез-

кор телеграф (хизмат телеграммалари айланмаси) тизими, йўл хўжалигини онлайн назорат қилиш платформаси (“Railway Observer”), рақамли метрология (қиёслаш мuddатларини онлайн назорат қилиш тизими), КМО (ойлик назорат кўригини онлайн тартибга солувчи платформа), ходимлар иш ҳақини шаффоф кўрсатувчи “OylikBot” тизими ҳамда рақамли сановат хавфсизлиги платформаси киради.

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ – ЁРДАМЧИ ДЎСТДИР

– Йўловчи ва юкларни ўз манзилига бехатар етказиш жуда масъулиятли вазифа бўлиб, бунда кўплаб темирйўлчилар фидокорона меҳнат қилмоқда, – дейди Б.Бегалиев. – Мен ҳам ўз вақтида тинмай жисмоний меҳнат қиладиган ўша жамоанинг бир бўлаги бўлганман. Жазирама иссиқда ёки қаҳратон қишда электр

тармоқларида юзага келган носозликларни ҳамкасбларим билан биргаликда бартараф этганман. Яқин орада ҳаётга татбиқ этилиши қўти-лаётган янги лойиҳамиз темирйўлчиларнинг чинакам “рақамли ёрдамчи”сига айланади. Яъни, агар ходим иш жараёнида бирор техник муаммага дуч келса, ушбу маълумотни марказий базага – “рақамли кутубхона”га юборади. Тизим эса муаммони сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиб, энг мақбул ечимни топишга кўмаклашади. Бу эса ишчи-ходимларнинг оғир юкини енгиллатишга хизмат қилади.

Бир пайтлар электр симларини ўз қўли билан таъмирлаган оддий мутахассис бугунги кунда соҳанинг “рақамли томирлар”ини ўз жамоаси билан биргаликда барпо этмоқда.

Н.НУРМАТОВА

■ ТАДБИР

ҲИНДИСТОН МИЛЛИЙ ОИЛА САЛОМАТЛИГИ ТАДҚИҚОТИ НАТИЖАЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТДИ

Ҳиндистон бугунги кунда дунёдаги энг йирик ва самарали соғлиқни сақлаш тизимларидан бирини яратиб, тиббиёт ҳамда тиббий туризм соҳасида жаҳоннинг етакчи марказларидан бирига айланди. Мамлакат ҳар йили дунёнинг турли нуқталаридан, жумладан, Ўзбекистондан келаётган кўплаб беморларга юқори сифатли ва ҳамёнбоп тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Яқинда Ҳиндистон ҳукумати томонидан ўтказилган Миллий оила саломатлиги тадқиқотининг олтинчи босқичи (NFHS-6) натижалари эълон қилинди.

Шу муносабат билан, Ҳиндистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Смита Пант хоним Тошкентда оммавий ахборот воситалари вакиллари учун мазкур тадқиқотнинг муҳим натижалари ва Ҳиндистон тиббиёти соҳасида эришилган улкан муваффақиятларга бағишланган брифинг ўтказди. Элчи ўз чиқишида таъкидлаганидек, мамлакат соғлиқни сақлаш тизими нафақат ички бозорда, балки глобал миқёсда юксак эътирофга сазовор бўлган. Йлғор ва юқори технологияли тиббиёт, жаҳон даражасидаги малакали шифокорлар ҳамда замонавий клиникалар туфайли Ҳиндистон халқаро тиббий туризмнинг асосий марказига айланди. Кардиология, онкология, трансплантология ва бошқа мураккаб жаррохлик йўналишларида миллионлаб инсонлар айнан Ҳиндистон тиббиётига ишонч билдирмоқда.

Ҳиндистон Соғлиқни сақлаш ва оила фаровонлиги вазирлиги томонидан Мумбайдаги Аҳолишунослик



халқаро институти (IPS) билан ҳамкорликда ўтказилган NFHS-6 тадқиқоти мамлакатнинг 715 та туманидаги қарийб 679 минг хонадонни қамраб олди. Унинг натижалари соғлиқни сақлаш хизматлари қўламини сезиларли даражада кенгайтган ҳамда асосий тиббий кўрсаткичларнинг яхшиланишини кўрсатди. Бундай ижобий натижалар бевосита давлат сиёсатининг барқарорлиги ва мақсадли дастурларнинг амалий самараси билан боғлиқдир.

Шу билан бирга, интернетдан фойдаланувчи аёллар улуши 33,3 фоиздан 64,3 фоизга ошди. Банк ҳисобрақамларига эга бўлиш ва мобил телефонлардан мустақил фойдаланиш кўрсаткичлари ҳам сезиларли даражада яхшиланди. Бу рақамлар хотин-қизларнинг молиявий мустақиллиги ҳамда рақамли имкониятлари кенгаётганидан далолат беради.

Давлат томонидан илгари сурилган миллий дастурлар (“POSHAN Abhiyaan”, “Saksham Anganwadi”, “Ayushman Bharat”) эмлаш логистикасини яхшилаш ҳамда соғлиқни сақлаш хизматларини модернизация қилиш имконини берди. Замонавий рақамли тизим-

лар (масалан, “U-WIN” эмлаш жараёнини кузатиш платформаси) эмлаш тадбирлари ва белгиланган меъёрлар ижросини назорат қилишни сезиларли даражада енгиллаштирди.

Худудларда тиббий хизматларни интеграциялаштириш ва аҳоли саломатлигини доимий мониторинг қилиш тизими юқори самара берди.

NFHS-6 натижалари Ҳиндистоннинг ижтимоий саломатлик соҳасида сезиларли ютуқларга эришганини тасдиқлайди – оналар ва болалар саломатлиги, эмлаш ҳамда тўғри овқатланиш соҳаларидаги



кўрсаткичларда ижобий динамика кузатишмоқда. Бироқ келажақда барқарор ривожланишни таъминлаш учун куйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур:

- профилактик соғлиқни сақлаш дастурларини янада кучайтириш;
- кишлоқ ва чекка худудларда тиббий хизматларнинг географик тенглиги ва қулайлигини таъминлаш;
- хотин-қизларнинг рақамли имкониятлари ва молиявий инклюзивлиги (жараёнларга жалб этилиши) учун кенгроқ шароитлар яратиш;
- жорий этилган дастурлар си-

фатини ошириш ва даврий мониторинг тизимини мустаҳкамлаш.

Умуман олганда, NFHS-6 натижалари Ҳиндистоннинг соғлиқни сақлаш тизими ва ижтимоий ҳимоя соҳасида эришган барқарор ютуқларини яққол исботлайди. Давлат сиёсати, рақамли интеграция ва кенг қамровли дастурлар туфайли мамлакат Барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ) изчил яқинлашмоқда. Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш соҳасидаги янги таҳдид ва муаммоларга қарши доимий ҳамда тизимли чоралар кўриб борилиши талаб этилади.

Ушбу тадқиқот яқунлари Ҳиндистоннинг БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида тўғри ва стратегик сиёсат олиб бораётганини кўрсатди. Элчи Смита Пант хоним томонидан тақдим этилган мазкур таҳлилий маълумотлар Ҳиндистон соғлиқни сақлаш тизимининг бой тажрибаси, юксак салоҳияти ва муваффақиятлари билан ўртоқлашишда, шунингдек, Ўзбекистон билан ушбу йўналишдаги ҳамкорлик истиқболларини янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

■ УЧРАШУВ

“Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиалида “Раҳбар ва ёшлар” мавзусида очик мулоқот ҳамда фаол ва иқтидорли ёшларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

ТЕМИРЙЎЛЧИ ЁШЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Учрашувда филиал раҳбари ёш мутахассислар билан самимий суҳбат қуриб, уларнинг фикр-мулоҳазалари, тақлиф ва ташаббусларини тинглади. Учрашув давомида ёш кадрларнинг касбий салоҳиятини юксалтириш, инновацион ғояларини қўлаб-қувватлаш, замонавий билим ва кўникмаларини ривожлантириш ҳамда темир йўл тизимидаги фаоллигини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирнинг тантанали қисмида ўз меҳнати, билими ва ташаббускорлиги билан ажралиб турган бир гуруҳ йигит-қизлар филиал раҳбариятининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Жумладан, “Инновацион ғоялар – 2025” кўрик-танловида фахрли ўринларни қўлга киритган иштирокчилар, шунингдек, “Истиқболли ёш мутахассис – 2026” ҳамда узел миқёсида ўтказилган “Энг фаол ёш мутахассис – 2026” кўрик-танловлари ғолиблари муносиб рағбатлантирилди.

Шу билан бирга, жорий йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда фаоллик кўрсатган бошқа ишчи-ходимлар ҳам муносиб рағбатлантирилди.

Ушбу тадбир ёшларни қўлаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини эътироф этиш, ташаббус ва интилишларини рағбатлантириш ҳамда раҳбарият билан ёшлар ўртасидаги ишончли мулоқотни янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

■ ДОНОЛАР ХАЗИНАСИДАН

Одам ўз қилмишини оқлаш учун бир сабабдан бошқа хар қандай сабабни топади, ўз жиноятларини оқлаш учун бир баҳонадан бошқа хар қандай баҳонани топади, ўз тинчини таъминлаш учун бир важдан бошқа хар қандай вақни топади-ю, фақат ўзининг кўроқлигини ўйламайди.

Б.Шоу

Хаммага дўст бўлган одам ҳеч кимга дўст эмас.

Арасту

Дунёдаги энг сергап одамлар бекорчилардир.

П.Павленко

Ўзгалар сирини ошкор этиш – сотқинлик, ўз сирини ошкор этиш аҳмоқликдир.

Ф.Вольтер

Хақиқий дўст бошга кулфат тушганда билинади.

Эзоп

Ўрганиш ҳеч қачон кеч эмас.

Квинтилиан

■ БОЛАЛАР ОРОМҒОҲЛАРИДА

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Марказий касаба уюшма кутубхонаси ҳамкорлигида темир йўл тизимидаги ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида “Зукко китобхон” кўрик-танлови ўтказилди.

“ЗУККО КИТОБХОН”
ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ
АНИҚЛАНДИ



Танловни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад темирйўлчилар фарзандлари ўртасида илм-маърифатни юксалтириш, китобхонлик соҳасида олиб борилаётган ислохотлар моҳиятини ёшлар онгига синдириш ҳамда уларда она Ватанга меҳр-муҳаббат, келажакка ишонч, бурч ва масъулият туйғуларини камол топтиришдан иборат. Шу билан бирга, тадбир миллатимизнинг муқаддас тарихи, анъаналари ҳамда урф-одатларига чуқур ҳурматни тарғиб қилиш, ёшларни ўзбек ва жаҳон адабиётининг сара асарлари билан яқиндан таништириш ҳамда уларнинг китоб мутолаасига бўлган қизиқишини янада оширишга хизмат қилади.



Ўқиган китобларини дўстлари билан муҳокама қилиш, уларга сара асарларни тавсия этиш ва ўзаро фикр алмашиш мақсадида оромгоҳларда турли интеллектуал ўйинлар ташкил этилди. Танлов шартлари бўйича энг юқори балл тўплаган иштирокчилар “Зукко китобхон” кўрик-танловининг ғолиби деб топилди ва Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда Марказий касаба уюшма кутубхонаси томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

М.МЕРҒАНОВ,
Марказий касаба уюшма
кутубхонаси директори

■ МА'NAVIYAT MANZILLARI

ТЕАТР



Пойтахтимизнинг марказида жойлашган Ўзбекистон давлат драма театри ҳам бугун Янги Ўзбекистон томошабинларини замон билан ҳамнафас ҳаёт кечиришида, дунёда ва атрофимизда содир бўлаётган ўзгаришларни тафаккур қилиб, мулоҳаза қилишда ушбу театр сахнасида кўйиллаётган турли мавзулардаги спектакллар ўрни катта бўлмоқда.

Таъкидлаш лозимки, “Халқ уйи”, “Хамза”, “Еш гвардия”, “Аброр Ҳидоят”, “Ўзбек давлат драма театри” – санъатсевар халқимиз учун жуда қадрдон номлар. Бу номлар 1919-1924 йиллар давомида азим Тошкентнинг Эски шаҳар худудида барпо этилган театр биноси билан чамбарчас боғлиқ. Юз йиллик тарихга эга бўлса-да, бугунга қадар ўз кўркини йўқотмаган ушбу масканда хозирда Ўзбекистон давлат драма театри фаолият юритмоқда.

Бино ва театр тарихини бир-бирдан айро ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқдир, зеро бинонинг тарихи театридан бироз олдинроқ бошланади. Ушбу масканнинг қурилишида Тошкентнинг бир гуруҳ савхатпеша бойлари жонбозлик кўрсатишган. Хусусан, машҳур Зариповлар сулоласининг етакчилари қурилиш жараёнига раҳбарлик қилиб, ўз ҳисобидан йигирма тилла тангани ушбу хайрли ишга сарфлашган. Бино халқ хашари йўли билан, лойиҳа асосчиларидан бири Саид Каримбойнинг ҳовлиси ўрнида қад ростлаган.

Театр сахнасида илк бор намоиш этилган асар Ғулом Зафарийнинг “Халима” спектакли бўлган. Тошкентликларнинг энг сеvimли масканларидан бирига айланган бу даргоҳ дастлаб “Халқ уйи” деб номланган. 1939 йилдан бошлаб эса бинода Хамза номидаги театр ўз фаолиятини бошлаган.

Биз фаолиятини ёритаётган Ўзбекистон давлат драма театри 1968 йилда, Хамза номидаги театр бошқа билан ўз эшикларини очиб, илк сахна асари сифатида Максим Каримовнинг “Дийдор” спектаклини тақдим этган. Ўша даврда

Буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудий “Театр – бу ибратхонадир” деган бўлса, бугун Президентимиз театрни маънавият ўчоғи, ижод аҳлини эса инсон қалбининг муҳандислари, дея юксак таърифлайдилар. Дарҳақиқат, инсон маънавиятини юксалтиришда театрининг алоҳида ўрни бор. Хар биримизни дунёқарашимизни бойитадиган маънавий мавзулар билан ифодаланадиган спектакллар онгу шуримизни ривожлантиради.

БУ — ИБРАТХОНАДИР



театрда фаолият юритаётган эди. Унинг қўл остида шаклланган ижодий гуруҳ фаолиятида кескин ижодий ўзгаришлар юз берди ва XX аср ўзбек театри тарихига кирадиган энг сараланган спектакллар сахнада намоиш этила бошланди.

Хусусан, 1988 йилда сахналаштирилган “Майсаранинг иши” спектакли Олмаота шаҳрида ўтказилган Ўрта Осиё ва Қозоғистон театрлари фестивалида бош мукофотга сазовор бўлди. Шундан сўнг ижодий гуруҳ Москва ва Германия гастролларида муваффақиятли иштирок этди. 1989 йилда эса “Шарқ алломили” спектакли Ирландия ва Буюк Британия бўйлаб намоиш этилди. Ўтган йиллар давомида театр репертуаридан “Келинлар кўзғолони” (янги сахнавий талқин), “Фармонбиби аразлади”, “Зиёфат”, “Маъмура кампир”, “Китмир”, “Бухорои шариф” каби асарлар ўрин олди.

Баҳодир Йўлдошев 1984 йилдан мазкур театрда бадий раҳбар ва бош ре-

жиссёр сифатида фаолият юритиб, ўзбек театр санъатида абадий ном қолдирди. Унинг ва бекиёс расмом Георгий Бримнинг ҳамкорлиги эса ўзбек сахнасининг муҳим феномени сифатида тарихга муҳрланди. Баҳодир Йўлдошев дунёдан ўтган бўлса-да, унинг сахнавий асарлари ва руҳи ҳамон театр сахнасида яшамоқда.

1990 йил 24 сентябрда театрда Аброр Ҳидоят номи берилиб, у “Аброр Ҳидоят номидаги Ўзбек ёшлар драма театри” деб атала бошланди. Шу йилларда театрда Россия, АКШ, Туркия ва Тожикистондан режиссёрлар таклиф этилиб, “Альвидо, хаёт”, “Кирол Лир”, “Гўзаллар ва мишраблар”, “Отелло” каби жаҳон классикаси дурдоналари ўзбек томошабинларига тақдим этилди. 2008 йилдан эса мазкур даргоҳ “Ўзбек Давлат драма театри” мақомини олган.

Бугунги кунда бу театр Ўзбекистон давлат драма театри деб аталади. Айтиш жоизки, бугун бу театрда республиканинг энг кўзга

кўринган, иқтидорли актёр ва актрисалари фаолият юритади.

Театр ижодий жамоасида Элёр Носиров, Дилбар Исмоилова, Азиза Бегматова каби халқ севган Ўзбекистон халқ артистлари, Мадина Тўхтаева, Муножат Тешабоева, Илҳом Бердиев каби Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар, Муҳаббат Абдуллаева, Ғайбулла Жуманов, Феруза Мелибоева, Самидхон Лутфуллаев каби таниқли актёрлар ҳамда бир қатор истеъдодли ёш ижодкорлар меҳнат қилмоқда. Театрнинг нуфузини ошириш ва устозлик мақомида муқим турган узок йиллардан бери турли театрларда режиссёр бўлиб фаолият юритган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Давлат мукофоти лауреати Олимжон Салимов бадий раҳбар сифатида жамоани бирдамликда томошабинларга хизмат қилишига бош-қош бўлмоқда. Театрда 2017 йилдан бош режиссёр сифатида иш бошлаган О.Салимов шу йиллар ичида “Труффальдино – икки бойнинг малайи”, “Ер барибир айланаверади”, “Жинлар базми”, “Ромео ва Жульетта”, “Ишлагандай бўлайлик” каби юксак спектаклларни сахналаштирди. Шу билан бир қаторда театрда сахналаштирилган турли жанрдаги спектаклларнинг томошабинларга манзур бўлишида ёш режиссёрларга доим кўмакчи бўлди. Театр жамоаси турли йилларда Қирғиз Республикаси, Қозоғистон, Туркия каби давлатларда ташкил этилган фестивалларда иштирок этиб театр спектаклининг кўп бора намоиш этган.

Айни вақтда театрда Сардор Мансуров директорлик қилмоқда. Талабчан ва янгиланиб интилувчан раҳбар бошличилигидаги 163 кишилик жамоа нуфузи йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Аваз ОМОНОВ

■ СПОРТ

“БОШ ДИРЕКТОР КУБОГИ” УЧУН МИНИ-ФУТБОЛ МУСОБАҚАСИ БЎЛИБ ЎТДИ

“Темирйўлэкспресс” акциядорлик жамиятида ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жамоавий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ҳамда спортга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида анъанавий “Бош директор кубоги” учун мини-футбол мусобақаси юқори савияда ташкил этилди.

Мусобақада жамиятнинг турли таркибий бўлиналари



ридан тузилган жамоалар ўзаро куч синашди. Беллашувлар мурасосиз курашлар, кескин рақобат ва юксак спорт руҳи остида кечди. Хар бир учрашувда иштирокчилар ўзларининг жисмоний тайёргарлиги, жамоавий ҳамкорлиги ҳамда ғалабага бўлган интилишини намоён этиб, мусобақанинг қизқарли ўтишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Қизгин баҳслар якунига

кўра, 1-ўринни “Афросиёб” жамоаси, 2-ўринни “Менеммент” жамоаси ҳамда 3-ўринни “Жалолиддин Мангуберди” жамоаси қўлга киритди. Шунингдек, мусобақа давомида фаол иштироки, спорт маҳорати ва жамоавий ўйини билан ажралиб турган “Талго”, “Дўстлик” ҳамда “Борт муҳандислари” жамоалари ҳам алоҳида эътироф этилди.

Мусобақа якунида ўтка-

зилган тантанали тақдирлаш маросимида ғолиб ва совриндор жамоаларга “Бош директор кубоги” ҳамда Касаба уюшмаси кўмитаси томонидан эсдалик совғалари топширилди. Бундан ташқари, мусобақада қатнашган барча жамоаларга спортга бўлган садоқати ва фаол иштироки учун миннатдорлик билдирилиб, улар ҳам рағбатлантирилди.

Бу каби спорт тадбирлари ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, жамоавий бирдамликни мустаҳкамлаш ва корпоратив маданиятни юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

“Темирйўлэкспресс” акциядорлик жамиятида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилган бундай анъанавий мусобақаларни келгусида ҳам мунтазам равишда ўтказиш режалаштирилган.



МУАССИСЛАР:

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши

Тахрир кенгаши:

Раматов А.Ж.
Нарзуллаев З.Ф.
Сабиров Қ.С.
Юсупов Ж.З.
Балтабаев А.А.

Бош муҳаррир
Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусахҳиҳ –
Умида ТҮЙЧИБОЕВА

Саҳифаловчи –
Гулзода БОЛТАЕВА

Фотомухбир – Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй.

Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)

Қабулхона: (71) 236-48-92

Мухбирлар: (71) 236-48-71

Буюртма Г-734

Босишга топширилди: 19:30

1 2 3 4 5 6

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0139-рақам билан 2007 йил 11 январда рўйхатга олинган.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди
ISSN: 2181-6158